

(Буни ўкигач, “шўргинанг курсин, мўйлов!” деб юбормасангиз бас.)

Мусича чумчукнинг инида тунаб колган куни “Мўйловчиликни ўрганиш билмий-текширмаслик институти”да Маънижон Хузуралиев “Йигирманчи асрнинг олтмишинчи йилларида мўйловчилик харакати” деган мавзуда чаланомзодлик диссертациясини ўрнига кўйди. Бу маросимда меҳмон сифатида иштирок этсамда, “ўрганган кўнгил ўртанса кўймас”, деганларидек, когоз-каламни кўлга олиб, мухокамада кимматли фикр ва мулоҳазаларини билдирган атокли мўйловшунос олимларнинг сўзларини ёзиб кўйибман. Ёзилган нарса ташлаб юборилса увол бўлар, деб сизга илиндим. Истасангиз, ўкинг, истамасангиз – йўқ. Хохласангиз, бу гапларга ишонинг, хохламасангиз – йўқ. Сизга ёлгон, менга хам чин бўлмаган ўша мухокамада биринчи гапни мўйловчилик фанлари дўктўри Шопазим Соколиев бошлаб бердилар. Сўзларининг баёни будир:

-Азиз ўртоклар, Маънижоннинг диссертацияси менда улуг таассурот уйготди. Шу пайтгача, ўртоклар, олтмишинчи йиллар мўйловчилиги хакида илмий иш олиб борилмаган эди. Мен Маънижоннинг ушбу иши тўла маънода кандидат деган унвонни беришга лойик деб топаман. Лекин укамиз Маънижон йўл кўйган айрим жузъий камчиликлар хакида хам тўхталиб ўтишим лозим. Ўйлайман-ки, Маънижон бу камчиликларга дўктўрлик ишини ёзиш пайтида ахамият беради. Хў-ўш... Маънижон бизга мўйловчилик хакида гапира туриб, асосан мўйловнинг икки тури, яъниким, биринчи – “Калдиргоч мўйлов” ва иккинчи – “Шоп мўйлов” хакида тўхталади. Хўш, бизда мўйловнинг факат икки тури мавжудми? Йўқ, ўртоклар, аксинча жуда кўп. Мисол учун олайлик – “киличсимон мўйлов”. Бу мўйлов кадим юонон манбаларида “киличсимус мўйловсимус” шаклида учрашига диккатингизни тортаман. Хўш, шоп мўйловнинг киличсимус мўйловсимусдан нимаси ортик? Аксинча, килич мўйлов хам шоп мўйлов каби кишига хусн бериб туради. Яъниким, юононча айтилганда: кишимус хуснимус. Бу ўринда Маънижон яна бир нарсага эътибор бермаганлар. Яъниким, хў-ўш... мўйлов рангларини олайлик. Диссертант асосан кора мўйловлар хакида фикр юритади. Хўш, малла, яъни маллиус мўйловлар, сап-сарик, яъни сапиус сарикус мўйловлар, ок оралаган, яъни мошгуручиус мўйловлар каерда колди? Сўзимнинг охирида мен яна бир нарсага тўхталмокчиман: яъниким, хў-ўш... Маънижон “мўйловчилик” сўзини кўп кайтарганлар. Бу жуда кўпол ва гализ, энг мухими антиилмий сўз, ўртоклар. Атама илмий бўлиши, жаҳон стандартларига жавоб бериши шарт. Яъниким, диссертант “мўйловчилик” эмас, “мўйловизм” дейишлари жоиз эди.

Навбат мўйловчилик фанлари дўктўри, билмий-текширмаслик институти “Мўйлов намояндалари” бўлими мудири Осимали Каригановга берилганда ул зот жумладан шундай дедилар:

-Ўртоклар, хаммамиз учун устоз саналган кадрли Шопазим Соколиевнинг сўзларига юз фоиз кўшилган холда “Маънижон агар тўғридан тўғри “Мўйловизм ва соколизм” деяверганларида хато килмаган бўлар эдилар”, деган фикрни ўртага ташламокчиман. Айни чокда бу атама кадим Рим империяси даврида “Мўйловетти ва соколетти” тарзида кўлланганини эслатиб ўтаман. Кейинги давр арман манбаларида “Мўйловян ва соколян”, грузин манбаларида “Мўйловидзе ва соколашвили” тарзида учраши диккатимиздан четда

колмаслиги керак. Диссертацияга нисбатан менинг асосий притензиям куйидаги:
Маънижон асосан шоп мўйлов ва унинг олтмишинчи йиллардаги намояндалари хакида гапиради. Менинг фикримча, у шоп мўйлов хакида кўпроқ адабиётлар бўлгани учун шундай килган. Холбуки, калдиргоч мўйлов хакида хам кўпроқ тўхталиши шарт эди.
Чунки калдиргоч мўйловизм харакатини баралла туриб “игирманчи асрнинг шох асари” дейишимиш мумкин. Олтмишинчи йилларда мўйловчиликнинг асосини именно ана шу калдиргоч мўйлов ташкил килган. Масаланинг сиёсий томонига карасак, мустабид тузум йилларида “буруннинг хуснини бузади”, деган баҳоналар билан сикувга олинди ва бу мўйловнинг гуркираб яшнашига йўл берилмади. Бу йиллар мўйловизми намояндалари хакида хам жиддий притензияларим бор, ўртоклар. Диссертант бу йилларни асосан карияларга болгаб ўрганган. Бу нотўгри йўл фанни антимўйловизмга буриб юбориши мумкин. Масалан, Францияда Одам Атодан олдинги саккизинчи асрда шундай хол кузатилган. Мен аник ишонч билан таъкид эта оламанки, олтмишинчи йиллар мўйловизмини асосан ёшлар ташкил этган эди. Шу ўринда ёшлар мўйловизмини уч кисмга бўлиб ўрганиш керак. Биринчи: тўлик калдиргоч мўйловизмчилик; иккинчи: сабза урган калдиргоч мўйловизмчилик; учинчи: яккам-дуккам калдиргоч мўйловизмчилик. Ўртоклар, мен диссертантни сиёсий хатода ёки сиёсий саводсизликда айбламокчи эмасман. Аммо унинг хатоларидан кўз хам юма олмайман. Диссертациядан ноҳаклик хиди уфуриб турганини барча сезса керак, деб ўйлайман. Хеч биримизга сир эмаски, айрим хотинларда хам мўйлов учраб туради. Кадимги Испан кироллигига бу фактдан кўз юмиб келинган. Мўйловли хотинлар тахкирланган. Хўш, мустабид замонлар ўтиб кетган хозирги озодлик кунларида, хотинларнинг мўйлов кўйишларига кенг йўл очиб берилганида, бу хакда ёзишга Маънижонга нима халакит берди? Албатта, ўша кадимги Испан кироллигининг бизгача етиб келган салбий таъсири! Гарчи, вакти бўлмаса-да, айтиш лозимки, ўртоклар, мўйловли хотинларни ўзимиз билан бир сафга кўйиш вакти етди. Энди етар, кўп гапириш ўрнига кўпроқ ишлайлик. Хар бир кунимизни мўйловли хотинларга кайгуриш билан бошлайлик. Мен институтимиз ташабbusi билан “Мўйловли хотинлар ассоциацияси”ни ташкил этишни таклиф киламан. Илмий ишлар билан гоят банд бўлишимга карамай, мазкур ташкилотга жамоатчилик асосида раис бўлишга розиман. Ассоциация ўз фаолиятини чойхоналарда “мўйловли хотинлар” бўлимини очишдан бошлайди.

Билмий-текширмаслик институти “Мўйловчиликни хаётга тадбик этилиши” бўлими мудирининг муовини Ўтбосар Бурунбоевга учинчи бўлиб сўз берилди. Муовиннинг сўzlари бир неча марта карсаклар билан бўлиниб турганини таъкид этган холда баённи бошлаймиз:

-Азиз ва муҳтарам устозлар, мен диссертация хакида гапиришдан олдин кадрли устозимиз Осималижон акамизнинг таклифларини кўлламокчиман. Шундай ассоциация хозир бизга керакми? Керак! Минг марталаб керак! Чунки устозимизнинг оталари кўса бўлганлари билан муҳтарама волидаи муҳтарамаларида мўйлов бўлганини тарихий далиллар таъкидлайди. Яна тарихий далиллар шуни билдирадики, Момо Хавводан олдинги учинчи асрда яшаган айрим бувиларида хам мўйлов учраб турган.

Демокчиманки, бу анъана ўзининг тарихий илдизларига эга. Янги ассоциация раиси айнан шундай маънавий хукукка эга бўлиши адолат юзасидан гоят тўгридир. Агар ассоциацияга авлодида битта хам мўйловли хотин учрамайдиган одам раис бўлиб колса, ташкилотни расво килади. Энди диссертация хусусига келсак, азиз дўстимиз мисолларни чизмалар ёрдамида яхши тушунтирдилар. Лекин айтиш зарурки, чизмалар

хаёт билан узвий bogланмаган. Кўлда чизилган расм эмас, мўйлов эгаси бўлган шахсларнинг фотосуратлари кўрсатилганда яхширок бўларди. Диссертацияда мўйловчилик процесси ва ўсиш проценти ва диаграммаси тахминан айтилди. Холбуки сартарошхоналар билан алока boglab, мўйловкашларнинг сони аник даражада кўрсатилиши керак эди. Бу жузъий камчиликлардан ташкари диссертант “Киши салмокдорлигини оширишда мўйловизмнинг роли”, “Мўйловизмнинг кенг тараккий этишида сартарошлар томонидан олиб борилиши лозим бўлган агитация ва пропаганда ишларининг ўрни”, “Мўйловизм ва соколизмнинг кардошлиқ алкалари”, “Мўйловизм ва колониализм”, “Кўлтиксоколнинг ўтмишда камситилиб, кириб ташлашга хукм килиниши” каби масалаларга яхши эътибор бермаган. Шунингдек, бугунги кунда айrim аёлларнинг мўйловизм ва соколизмга карши курашига жиддий зарба берилмаган. Хотини рухсат бермагани туфайли сокол-мўйлов кўёлмай хорланишларининг олдини олиш йўллари илмий асосда кўрсатиб берилиши керак эди. Хотинларнинг “сокол ва мўйлов ўпишаётганда халакит беради”, деган даъволарининг пучлиги жонли мисоллар оркали рад этилиши шарт эди. Эрнинг сокол ва мўйловидан хузурланувчи аёлларга диссертацияда алоҳида боб ажратилиши негадир унтилган. Мўйловизм ва соколизмга аёлларнинг таъсирини четлаб ўтиш мутлако мумкин эмас. Кўлтиксокол масаласидаги илмий тортишувларда аёлларнинг иштирокини хали унутганимиз йўк. Айнан уларнинг ёрдами туфайли “кўлтик жуни” деб камситилишига чек кўйилиб, соколизм оиласининг teng хукукли аъзоси сифатида “кўлтиксокол” деб шарафланди. Энди кўкрак жуни масаласида хам аёлларнинг кўллаб-куватлашига суюнишимиз вакти етди ўртоклар. Кўкрак жуни шунчаки мўй эмас, соколизм оиласига мансуб эканини исбот эта олмас эканмиз, тарих бизни кечирмайди.

Диссертантнинг яна бир камчилиги: айrim хайвонларда учрайдиган мўйловларни мутлако эътибордан четда колдирган. Мисол учун айтсак, эркак мушукдаги мўйловнинг ургочи мушукка таъсири ўрганилмаган. Мушуклар мов бўлган даврда эски маҳаллалар томида бир неча кун илмий изланиш олиб борилганида, бу камчиликка йўл кўйилмаган бўларди. Умуман мушуклардаги мўйловизм онгли равишда тараккий этадими ё онгизиравишдами, бу саволга ким жавоб бериши керак?

Илм ошкораликни яхши кўради, мен хам нуктаи назаримни яширмайман: шу ўринда устоз Осималижон акамизнинг бир фикрларига кўшила олмайман. У киши ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида асосан калдиргоч мўйловлар тараккий этди, дедилар. Ахир бу масалага бир томонлама ёндошиш эмасми? Хўш, номи хунук бўлса хам ўзи баъзи кишиларга чирой берувчи “кўнгиз мўйлов” тўгрисида нима учун гапирмаймиз? Шу масалада мен битта таклифни ўртага ташламокчиман: кейинги йилларда кўнгиз мўйловизм харакатининг анча сустлашгани кайд этилмоқда. Шу муносабат билан институтимиз ташаббуси билан “Кўнгиз мўйловизмни асраш кўмитаси” тузишни таклиф этаман. Бунинг учун чет эллик мутахассисларини хам жалб этиш лозим бўлади. Балки институтимиз кошида германиялик мутахассислар билан биргаликда “Кўнгиз мўйлов” деган кўшма корхона очиш максадга мувофик бўлар? Мен бир камтарин мўйловист олим сифатида бу чораларни зарурый деб хисоблайман.

Хотима ўрнида:

Маълумингиз бўлсинким, диссертация мухокамасида айтилган барча фикрларни когозга туширишдай оғир иш йўк. Мен айтилган фикрларнинг каймогинигина сизга етказишига харакат килдим. Мазкур мухокамада яна икки мўйловист фан дўкўри, тўртта номзод,

яна бир канча аспирантлар сўзга чикишди. Улар “Бурун оккан маҳалда мўйловнинг холати”, “Мўйлов ва зилзила”, “Камчаткада уйгонган вулконнинг Ўзбекистондаги мўйловизмга таъсири” каби мухим масалаларда диссертантга маслаҳатлар бердилар. Шунингдек, мўйловчиликни ривожлантиришни кўзда тутувчи яна учта жамият, бешта ассоциация, ўн иккита кўмита тузишга келишиб олинди. Камина хам эътибордан четда колгани йўқ. “Ёмғирда хўл бўлган мўйловни куритиш принциплари” деб аталмиш кўмитага аъзо килиб сайландимким, а, ха... ўзларингга хам муборак бўлсин, табрикларингизни бажонидил кабул этурман.